


Мусхаф муборак!



13:29 / 29.03.2018 7620

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бугун тарихий кун бўлди!

2018 йилнинг 28 март санаси Ўзбекистонимиз тарихига ажойиб янгилик билан кирди. Аллоҳ таолонинг муборак каломи, барчани ожиз қолдирувчи мўъжиз каломи бўлмиш мусхафи шариф узоқ давом этган узилишдан сўнг, истиқлол йилларида илк бор чоп қилинди. Жаннатмакон юртимиз пойтахти Тошкентнинг Ал-Хоразмий даҳасига кираверишда жойлашган илму ирфон марказининг савдо мажмуасида «Ҳилол-нашр» мажмуаси томонидан чоп қилинган мусхафимиз халққа тақдим қилинди. Қалбларимиз шодликка тўлиб-тошди, кўзларимизга яна бир бор севинч ёшлари қалқиди.

Аллоҳ таоло ушбу хайрли ишларга бош-қош бўлганларга, ҳисса қўшганларга беҳисоб ажру савоблар берсин! Хусусан, ноширимиз Исмоил ҳожи Муҳаммад Содик жанобларига ажру савобларини кўпайтириб берсин, даражаларини Қуръон билан баланд қилсин, Қуръон ҳидоятида бардавом қилсин, охирадда Қуръон шафоатига эриштирасин!

Ушбу манфаатли илм ва садақаи жорияларнинг савобу самаротларидан у кишининг падари бузрукворлари, барчамизнинг устозимиз шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларини, у зотнинг қиблагоҳлари Муҳаммад Юсуф ҳожи домлани ҳамда ушбу хонадон аҳлларидан ўтган барча азизларни то рўзи маҳшар баҳраманд айлаб турсин, қабрларини нурга

тўлдирсин! Волидаи муҳтарамаларига узоқ умр берсин, Ўзининг офияти ва баракотида бардавом қилсин!

Бу ишга моддий ва маънавий улуши қўшилган ҳар бир мўмин-мусулмон биродарларимизнинг Қуръонга қилган хизматларини садақаи жорияга айлантирсин, савобларидан ўтганларини баҳраманд қилиб, фарзандларидан ҳам дину диёнатга, Қуръонга, ҳадисга, шариатга хизмат қиладиган улуф уламолар етишиб чиқсин!

Аллоҳ таоло юртимизга ёғдираётган неъматларини янада зиёда қилсин!

Ёмон кўзлардан, ҳасад, иғво, бўҳтонлардан, макру ҳийлалардан асрасин!

Бу буюк хизматда қоим бўлиб турган барча азизларимизга доимо куч-қувват берсин, Ўзи мададкор бўлсин! Аллоҳ таолонинг динига хизмат қилганларга бахту омад ёр бўлсин!

Дуоларимизнинг охири – оламларнинг Робби Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!